

ФАРГОНАДА ПЛАСТИК ЧИҚИНДИЛАР ҚАЙТА ИШЛАНИБ, УНДАН СУНЬИЙ ТОЛА ОЛИНМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров вилоят секторлари раҳбарлари билан бирга Фарғона шаҳридаги янги ишлаб чиқариш корхоналаридаги иш жараёнларини кўздан кечириш давомида “Совурбулоқ” МФЙда жойлашган “Sanfa fiber” МЧЖнинг “Пластик чиқиндиларни қайта ишлаш” лойиҳасини ҳам бориб кўришди.

Мамлакатимизда чиқиндилар билан ишлаш тизимини такомиллаштириш ва ҳудудлардаги экологик ҳолатни яхшилаш борасидаги кенг кўламли ишлар доирасида ташкил этилган ушбу корхонада ПЭТ чиқиндилари қайта ишланиб, сунъий (полиэфир) тола ишлаб чиқарилмоқда. Хитойдан қиймати 2,5 млн. доллар бўлган технологиялар олиб келиниб, 2 та линия ишга туширилган, натижада 300 дан зиёд иш ўрни яратилган. Чиқиндини қайта ишланиши натижасида полигонларда кўмишга эҳтиёж йўқолади, бунинг натижасида ер ресурслари тежалади, иқтисодий самарага эришилади ва атроф-муҳитга салбий таъсир камаяди.

Тадбиркор Беҳруз Абдуллаев вилоят ҳокимига амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-02-29 21:07:07